

ЯНВАРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Қишки ўйин-кулгулар					
Муддати		Январнинг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мақсадга эришишга ўргатиш. Умумий жисмоний ва фаолликнинг ривожланишига ёрдам бериш.Тана ҳаракатини тўғри ҳаракатлантириш ва топширикни аниқ бажаришга ўргатиш. Кайфиятни кўтаришга ҳаракат қилиш. Йўллар яхмалак пайтида эҳтиёткорлик чоралари ҳақида суҳбатлашиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Қизиқувчанликни ошириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Қишки ўйинлар ҳақида айтиб бера олиш, диққат ва фикрлашни ривожлантириш, шар шаклидаги предметларни чизиш, катта-кичиклиги бўйича ажратиш, ўлчамига қараб (деталларни) фарқлаш ва уларни тартиб билан ўз жойига жойлаштиришни ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Мақтабгача таълим муассасаси ҳудудида сайр. Болаларга қиш фаслида табиат гўзаллигини кўрсатиш. 5 гача бўлган тартиб сонлар билан таништириш, предметларни узунлиги ва кенлиги бўйича фарқлашга ўргатиш, тезлик, чаққонлик ва ҳаракатлар мутаносиблигига аҳамият бериш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқани тинглаш ва тушунишга ўргатиш. Эртакни билиш ва "Тулки ва қуён" қўғирчоқ театрида иштирок этиш. Қоғозда мўлжал олиш, мўйқалам билан ишлашга ўргатиш. Йирик шаклларни ясашда тасаввурни ривожлантириш. Шарлардан қорбобо шаклини ясаш, қишги ўйинлар ҳақида гапириб бериш, предметларни киёслашга ўргатиш. Шакл ва мутаносиблик ҳиссини ривожлантириш					
Эркин фаолият	Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
	Қуриш-ясаш ва математика	Ясаш: Боғчамиз арчалари		Қуриш: Қишда қушлар учун ин			Картон, табиий материал, расм, юмалоқланган пахта, ун, шакар, леґо, ўйинчоқ, мозаикалар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Сахналаштириш: “Болалар боғчаси”		Сахналаштириш: “Болалар боғчаси” “Қўлқопча” эртаги			Керакли анжомлар
	Тил ва нутқ	“Қишки тасвир” мавзусида ҳаётий ҳикоя тузиш		Қиш ҳақида топишмоқлар			Керакли анжомлар
	Фан ва табиат	Қишда чумчуқлар		Қишда ҳайвонлар дунёси "Ким қаерда яшайди?" таълимий ўйин			Керакли анжомлар
	Санъат	Расм: “Йиғлоқи” сумалақлар		Ясаш: Қушлар дон чўқияпти		Аппликация: Қор парчалари	Пластин, таёқчалар, ёрма, қоғоз, бўёқлар, салфетка, фломастер, рангли қоғоз чизиклари, елим, қайчи, мўйқалам
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ЯНВАРЬ БИРИНЧИ ҲАФТА ҚИШКИ ЎЙИН-КУЛГУЛАР

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Ясаиш: Боғчамиз арчалари

Мақсад: болалар тасвир бўйича қурадилар, мантиқан фикрлаб шаклларнинг катта-кичиклигини таққослаб айтадилар.

Жихоз: картон, табиий материал, расм, пахта, ун, шакар, пахтадан юмалоқланган шариклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қишки ўрмон тасвирланган расмларни кўриб чиқиш.
2. Катта-кичик арчалар композициясини ясашни режалаштириш.
3. «Нимага ўхшайди?» таълимий ўйин
4. «Нима баланд, нима паст?» таълимий ўйин
5. Композицион тузилиш (якка, жамоавий).
6. Ўз композициясини тақдим этиш.

Қўшимча: арча ҳақида ҳикоя тузиш. Арча ҳақида шеър айтиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тафаккурни ривожлантириш.

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Қуриш: Қишда қушлар учун ин

Мақсад: болалар турли кўринишдаги уйчалар қурадилар, предметларни ўлчами бўйича аниқлайдилар, фазода мўлжал олиш, тартиб рақамни биладилар, предметларни катта-кичиклиги, ранги бўйича фарқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:кубик, лево, кути, ўйинчоқ, иллюстрация; мозаикалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қишлайдиган қушлар ҳақида суҳбат.
2. «Геометрик мозаика» таълимий ўйин.
3. Қушлар расмларини кўриб чиқиш.
4. Қушлар учун овқатланадиган жой қуриш.
5. Қушлар ҳақида ҳикоя тузиш.

Қўшимча: В.Биянкининг «Қушлар ҳақида» ҳикоясини ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўзи ясайдиган қурилишларга деталларнинг ўлчами бўйича тўғри танлашни билиш, қишда қушларнинг яшаш тарзи ҳақида қайғуриш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Мактабгача таълим муассасаси. Сахналаштириш

Мақсад: болаларнинг мактабгача таълим муассасаси ҳақидаги билимлари кенгайтириш, муассасада ишлайдиган тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, ошпаз, ҳамшира каби касб эгалари билан танишадилар, сюжет асосида ўйинда жамоада ишлашга ўрганадилар, мактабгача таълим муассасаси ходимларига нисбатан ҳурмат билан қарайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: атрибутлар, кўғирчоқ, идишлар тўплами, тиббиёт асбоблари тўплами

Фаолиятнинг бориши:

1. “Менинг севимли мактабгача таълим муассасам” мавзусида суҳбат
2. Мактабгача таълим муассасаси биносини куриш
3. “Сайрга чиқишга тайёргарлик” таълимий ўйин
4. Мактабгача таълим муассасаси ҳаётидан сюжетли вазиятларни саҳналаштириш.

5. Ўйинни якунлаш, рағбатлантириш.

Қўшимча: касбларга оид расмлар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ўзаро дўстона муносабатлари, ўйин вазиятларида тўғри ечим топиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

«Қўлқопча» эртагини саҳналаштириш

Мақсад: болалар эртакни саҳналаштирадilar, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, эртак маъноси, эртакдаги воқеалар кетма-кетлигини тушунадilar.

Керакли жиҳоз ва материаллар:хайвонлар костюмлари ва ниқоблари, сунъий арча, дарахт, эртакда ўрмон пейзажини яратиш учун атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар асосида эртак сюжетини эслаш.
2. “Эртак парчасидан қаҳрамонни топ” таълимий ўйин.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Эртак сюжети таҳлили.
5. Болалар ижроси
6. Рағбатлантириш

Қўшимча: “Қўлқопча” мультфильмини томоша қилиш. "Қўлқопча" эртагини тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: эртак қаҳрамонларининг бир-бирларига бўлган муносабатлари, уларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам, ўйинда ҳамкори билан дўстона муносабатда бўлиш.

Тил ва нутқ маркази

"Қишги тасвир" мавзусида ҳаётий ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар қиш ҳақидаги тасаввурларга эга бўладilar, қишдан дарак берувчи белгиларни биладilar, муз, аёз, момик қор, совуқ, совуқ урди, қор ёғди сўзларидан фойдаланадilar, қишнинг чиройига эътибор қаратадilar.

Керакли жиҳоз ва материаллар:қиш ҳақида расмлар, П.И.Чайковскийнинг«Йил фасллари», «Қиш» масиқий асарлари. Болаларнинг сонига мос санок таёқчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Менинг севимли фаслим” мавзусида суҳбат.
2. “Соат”, “Йил фасллари” таълимий ўйини.
3. “Бу қачон содир бўлади?” таълимий ўйини
4. “Давом эттир” таълимий ўйини:

Қор нима қиляпти? - ёғяпти, учяпти, айланяпти.

Ҳаво қандай? – булутли, қорли, совуқ.

5. “Қишқи тасвир” мавзусида ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қисқа ҳикоя тузиш ва айтиб бериш.

Қўшимча: П.И.Чайковскийнинг: “Йил фасллари”, “Қиш” асарларини тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: сўздаги ибора ва қўшимчаларни тўғри танлаш.

Тил ва нутқ маркази

Қиш ҳақида топишмоқлар

Мақсад: болалар топишмоқларнинг жавобини тўғри топадилар, сўздаги қўшимчаларни тўғри қўллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қиш ҳақида сюжетли расм, қиш мавзусидаги китоблар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Расмда кўрган предметларга топишмоқлар тўқиш.
3. АКТ ёрдамида овозли топишмоқларни топиш.
4. Топишмоқлар мазмунинг таҳлили
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: қиш ҳақида шеър ёдлаш.

Эътиборга молик жиҳати: топишмоқ жавобларининг маъносини тушуниш.

Фан ва табиат маркази

Қишда чумчуқлар

Мақсад: болалар йилнинг совуқ пайтида чумчуқлар ҳаёти ва ўзига хос хусусиятларини биладилар, уларга ғамхўрлик қиладилар, қиш ҳақидаги билимларини мустаҳкамланади, берилган вазифаларни бажарадилар ва хулосалар чиқарадилар, топишмоқ жавобларини топадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: чумчуқ расми, чумчуқнинг сайраши ёзилган овоз ёзуви, дон, ёрма, нон ушоқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Чумчуқлар сайрашини эшитиш ва расмларни кўриб чиқиш.
2. “Қушларни овқатлантиринг” шеърини тинглаш.
3. “Кимнинг уйи қаерда?” таълимий ўйини.
4. Дон, ёрма, нон ушоқлари билан танишиш.
5. Ушлаб кўриш орқали аниқлаш - қаттиқ, юмшоқ.
6. “Илиқ, совуқ” (қушларни овқатлантириш) таълимий ўйини.
7. **Қўшимча:** сайр пайтида чумчуқнинг изини таёқ билан чизишни таклиф этиш.

Қушлар ҳақида топишмоқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: қишда қушларга ғамхўрлик қилиш.

Фан ва табиат маркази

Қишда ҳайвонлар дунёси

Мақсад: болалар берилган саволларга тўлиқ жавоб беришни биладилар, сўзларни тўғри танлайдилар, айтилган сўзларга аниқлик кирита оладилар, қиш ҳақида билимларини умумлаштирадилар, қиш, қишки ўйин-кулгулар ҳақида суҳбатлашадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қишги ўйинлар акс эттирилган расмлар, магнит доска, типратикон ўйинчоғи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қишки ўйинлар акс эттирилган расмлар.
2. “Ким қаерда яшайди?” таълимий ўйин
3. Магнит доска. Типратикон билан ўйнаш.
4. Ёввойи ҳайвонларнинг қишки ҳаёт тарзини тасвирлаш (шеър, топишмоқлар).

Қўшимча: ҳайвонларнинг қишки ҳаёт тарзи ҳақида суҳбатлашиш, тасвирларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: фикрлаш доирасининг кенгайиши, табиат, ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш.

Санъат маркази**“Йиғлоқи” сумалаклар**

Мақсад: болалар расмда учбурчак ва ўткир бурчак шаклини тасвирлай оладилар, буёқлар ва қаламлар билан расм чизадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ ва кўк рангдаги қоғозлар, икки ўлчамдаги мўйқаламлар, буёқлар, қаламлар, сувли банкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу юзасидан расмларни кўриб чиқиш
2. Сумалаклар ҳақида шеърлар тинглаш.
3. “Бу қачон бўлишини топ?” таълимий ўйини.
4. Расм чизиш техникаси билан танишиш.
5. Болаларнинг ижодий фаолияти.
6. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: қиш, қишда ҳайвонлар ҳаёти ҳақида суҳбат, расмларни кўриб чиқиш.

Эътиборга молик жиҳати: фикрлашни ривожлантириш, табиат, ҳайвонот оламига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.

Санъат маркази**Ясаш: Қушлар дон чўқияптилар**

Мақсад: болалар қушлар ҳаракатини бажарадилар: бош ва танани эга оладилар, яшашнинг техник усуллари биландилар, ўзи бажарган ишни ўртоғининг иши билан бирлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, таёкчалар, буғдой, маккажўхори ёрмалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қушлар учяптилар” таълимий ўйини.
2. Намуна билан танишиш.
3. Қушча ясаш ва безаш.
4. Тайёр ишлардан кўргазма ташкил этиш.

Қўшимча: қушлар ҳақида фильм кўриш. Ясалган қушларни қўшиб сюжет яратиш.

Эътиборга молик жиҳати: қишда учиб кетадиган ва қишлайдиган қушлар турини билиш.

Санъат маркази**Аппликация: Қор парчалари**

Мақсад: болалар тайёр айлана ичига қоғоздан тайёрланган муз парчалари шаклидаги таёқчаларни жойлаштирадилар, декоратив элементлар билан тўлдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:рангли қоғоз бўлаклари, елим, қайчи, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: “Менинг севимли фаслим”.
2. Қор парчалари расмларини кўриб чиқиш.
3. Қор парчалари, сумалаклар ҳақида топишмоқларни эслаш.
4. Қор парчалари шакллари кесиш ва ёпиштириш (қор парчалар айлана ичига ёпиштирилади).
5. Ишлар кўргазмаси.

Қўшимча:болалар ишлари намуналари.

Эътиборга молик жиҳати: техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда фаолиятни бажариш.